

тирма узилиш кучи 35,28 gk/teks ни, ўрта узунлик 25,82 dm ни, юқори ўртача узунлиги 30,11 dm ни, узунлик бўйича бирхиллик индекси 87,3% ни, калта толалар индекси 4,3 ни, узилишдаги узайиши 16,8% ни, ғарамнинг ўрта қатламидаги пахтадан ип олиш жараёнида толанинг микронейр кўрсаткичи 4,05 ни, солиштирма узилиш кучи 35,28 gk/teks ни, ўрта узунлик 25,69 dm ни, юқори ўртача узунлиги 29,85 dm ни, узунлик бўйича бирхиллик индекси 86,2% ни, калта толалар индекси 5,9 ни, узилишдаги узайиши 16,9% ни, ғарамнинг пастки қатламидаги пахтадан ип олиш жараёнида толанинг микронейр кўрсаткичи 4,20 ни, солиштирма узилиш кучи 34,13 gk/teks ни, ўрта узунлик 25,78 dm ни, юқори ўртача узунлиги 29,61 dm ни, 57

узунлик бўйича бирхиллик индекси 85,2% ни, калта толалар индекси 7,1 ни, узилишдаги узайиши 16,9% ни ташкил этди.

Тадқиқот натижалари таҳлилидан кўриниб турибдики, пахта ғарами қатламларининг ортиши натижасида пахтадан ипини олиш жараёнида толанинг микронейр кўрсаткичи 4,21 дан 4,05 гача, солиштирма узилиш кучи 36,2 дан 23,4 gk/teks гача, ўртача узунлиги 26,02 дан 25,78 dm гача, юқори ўртача узунлиги 30,46 дан 29,61 dm гача камайди, калта толалар индекси 3,8 дан 7,1 гача ошди.

Хулоса қилиб айтганда, ғарам зичлиги ортиши натижасида йигирув жараёни маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари ёмонлашади.

АДАБИЁТЛАР:

1. O'zDst 604-2016. Пахта толаси. Техникавий шартлар
2. Жуманиёзов Қ.Ж., Ғофуров Қ.Ғ., Матисмаилов С.Л., Пирматов А., Холиёров М.Ш., Файзуллаев Ш.Р. Тўқимачилик маҳсулотлари технологияси ва жиҳозлари. Тошкент, Ғ.Ғулом, 2012.

УЎТ: 633.34; 631.82

ТАКРОРИЙ МУДДАТДА ЭКИЛГАН СОЯ НАВЛАРИНИНГ ВЕГЕТАТИВ ВА ГЕНЕРАТИВ ОРГАНЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ОЗИҚА ЭЛЕМЕНТЛАРИ МИҚДОРЛАРИГА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ҚўЛЛАШНИНГ ТАЪСИРИ

Утамбетов Оракбай Полатович, ассистент,
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

Аннотация. Мақолада ёзги муддатда такрорий экин сифатида экилган соя навларининг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги озиқа элементлари миқдорларига минерал ўғитлар қўллашнинг таъсирига оид маълумотлар келтирилган. Такрорий экин сифатида етиштирилган соянинг вегетатив ва генератив органларидаги NPK миқдорлари бўйича юқори кўрсаткичлар минерал ўғитларнинг N150 P90 K60 кг/га меъёри қўлланилганда кузатилиб, “Тумарис Ман-60” навининг илдизи таркибидаги азот миқдори 1,03 %, поя қисмида 0,68 %, барги қисмида 2,09 %, дуккак пўстлогиди 1,35 %, дони таркибида эса 3,82 % ни ташкил этган бўлса, “Ойжамол” навида эса ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 1,00 %, 0,66 %, 2,08 %, 1,37 %, 3,87 % ни ташкил этди.

Калит сўзлар. Соя, минерал ўғитлар меъёрлари, азот, фосфор, калий, илдиз, поя, барг, дуккак пўстлоги, дон.

Аннотация. В статье представлены сведения о влиянии применения минеральных удобрений на количество питательных веществ в вегетативных и генеративных органах сортов сои, высаживаемых в качестве повторной культуры в летний период. Высокие уровни NPK в вегетативных и генеративных органах сои, выращиваемой как повторная культура, наблюдались при применении нормы минеральных удобрений N150 P90 K60 кг/га. Сорт «Томарис Мэн-60» содержал азота в корне 1,03 %, в стебле 0,68 %, в листе 2,09 %, в шелухе бобовых культур 1,35 %, в зерне 3,82 %. У сорта «Ойджамол» эти показатели составили 1,00 %, 0,66 %, 2,08 %, 1,37 %, 3,87 % соответственно.

Ключевые слова. Соя, нормы минеральных удобрений, азот, фосфор, калий, корень, стебель, лист, бобовая шелуха, зерно.

Abstract. The article presents information about the influence using mineral fertilizers on the amount of nutrients in the vegetative and generative organs of soybean varieties planted as a repeated crop in the summer period. High levels of NPK in the vegetative and generative organs of soybean grown as a repeated crop were observed when the norm of mineral fertilizers N150 P90 K60 kg/ha was used. «Tomaris Man-60» variety contained 1.03% nitrogen content in the root, 0.68% in the stem, 2.09% in the leaf, 1.35% in the leguminous husk, and 3.82% in the grain. In «Oyjamol» variety, these indicators were 1.00%, 0.66%, 2.08%, 1.37%, 3.87%, respectively.

Keywords. Soybean, norms of mineral fertilizers, nitrogen, phosphorus, potassium, root, stem, leaf, leguminous husk, grain.

Кириш. Маълумки, ўғитларнинг самарадорлиги уларни қўллаш меъёр ва муддатларига ҳам боғлиқ. Ўсимлик озиқа моддаларни миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам доим бир хил талаб қилмайди. Бу омил ўсимликни ўсиши,

ривожланишига ва умуман мавсум давомидаги талабига қараб турлича бўлади. Ҳар бир экин туридан қатъий назар ниҳоллар униб чиққандан бошлаб то ўсув даврининг охирига қадар тупроқдаги озиқа моддаларни ўзлаштира олади [3].

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кузги бошоқли дон экинларидан сўнг такрорий экин сифатида дуккакли-дон (мош, соя) экинларини эрта муддатларда экиб, уларни парваришlashда гектарига 100 килограмм миқдорида фосфор ва 50 килограмм миқдорида калийли ўғитлар билан озиклантирилганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши яхшиланиб, дон ҳосилдорлиги 20,3-23,2 ц/га ни ташкил этган [1].

Дуккакли-дон экинлари илдишларида яшайдиган туганак бактериялар атмосфера азотини ўзлаштиради ва тупроқни азот билан бойитади. Ўзбекистон шароитида мош, соя ва нўхат ўсимликлари ҳар гектар ерда 40 кг дан 120 кг гача осон ўзлаштирадиган азот тўплайди. Дуккакли-дон экинлари томонидан ўзлаштирилган азотнинг жуда кўп қисми ўсимликнинг ўзида қолади ва ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг унинг бир қисми илдиш ва анғиз қолдиқлари орқали тупроққа қайтади [4].

Соя ва мош экинлари уруғларини экиш олдида нитрагин билан ишлов берилиб, минерал ўғитларнинг $N_{90} P_{90} K_{60}$ кг/га меъёри қўлланилганда соянинг илдиш қисмида 1,04 %, поя қисмида 0,64 %, барг қисмида 2,03 %, донида 4,23 %, дуккак пўстлоғида 1,48 % ни ва мошнинг илдиш қисмида 1,10 %, поя қисмида 1,15 %, барг қисмида 2,17 %, донида 3,77 %, дуккак пўстлоғида 1,50 % ни ташкил этганлиги аниқланган [6].

Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари. Тадқиқотларимиз 2018-2020 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба участкаси далаларида олиб борилган бўлиб, такрорий экин сифатида соянинг “Тўмарис Ман-60” ва “Ойжамол” навларида минерал ўғитларнинг қуйидаги ўғитсиз, $P_{90} K_{60}$, $N_{30} P_{90} K_{60}$, $N_{60} P_{90} K_{60}$, $N_{90} P_{90} K_{60}$, $N_{120} P_{90} K_{60}$ ва $N_{150} P_{90} K_{60}$ кг/га меъёрлари синаб кўрилди. Мазкур дала тажрибаси 14 та вариантни ўз ичига олиб, ҳар бир вариантнинг эгаллаган майдони 120 м², шундан ҳисобга олинadигани 60 м² ни ташкил этди. Уч қайтариқда олиб борилди ҳамда тажрибанинг умумий эгаллаган майдони 5040 м².

Тажрибада соянинг “Тўмарис Ман-60” ва “Ойжамол” апрел ойининг учинчи ўн кунлигида экилди. Соя гектарига 60 кг меъёрда, 4-5 см чуқурликда экилди.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида олиб борилиб, бунда дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар “Методы агрохимических анализов почв и растений” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган [2, 5].

Сояни парваришlashда минерал ўғитлардан: аммиакли селитра (N_{33-34} %), аммофос (N_{11-12} %, P_2O_5 -46%), супрефос (N_{5-6} %, P_2O_5 -32%), калий хлор (K_2O -60 %) қўлланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Такрорий экин сифатида экилган соянинг “Тўмарис Ман-60” ва “Ойжамол” навларини вегетатив ҳамда генератив органлари таркибидаги озика моддалар миқдорларига минерал ўғитлар меъёрларини таъсир этганлиги аниқланди. Тадқиқотларимиздан олинган маълумотларга кўра, такрорий экин сифатида экилган соянинг “Тўмарис Ман-60” навини илдиши таркибидаги азот миқдори 0,77-1,03 %, поя қисмида 0,49-0,68 %, барги қисмида 1,92-2,09 %, дуккак пўстлоғида 0,97-1,38 %, дони таркибида эса 3,42-3,89 % ни ташкил этган бўлса, фосфор миқдори тегишлича 1,53-2,01 %, 1,91-2,35 %, 1,18-1,54 %, 1,05-1,34 %, 1,59-1,96 % ни, калий миқдори эса 2,193-2,385 %, 2,229-2,396 %, 2,236-2,386 %, 2,366-2,573

%, 2,571-2,855 % бўлганлиги аниқланди.

Такрорий экин сифатида етиштирилган соянинг “Ойжамол” навини илдиши таркибидаги азот миқдори эса 0,75-1,00 %, поя қисмида 0,47-0,66 %, барги қисмида 1,90-2,08 %, дуккак пўстлоғида 0,098-1,37 %, дони таркибида эса 3,42-3,87 % ни ташкил этган бўлса, фосфор миқдори тегишлича 1,52-1,99 %, 1,89-2,32 %, 1,16-1,52 %, 1,03-1,33 %, 1,57-1,94 % ни, калий миқдори 2,188-2,382 %, 2,226-2,392 %, 2,233-2,383 %, 2,360-2,569 %, 2,564-2,881 % бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Такрорий экин сифатида етиштирилган соянинг “Тўмарис Ман-60” навини парваришlashда минерал ўғитлар қўлланилмаган ўғитсиз назорат вариантыда унинг илдиши таркибидаги азот миқдори 0,77 %, поя қисмида 0,49 %, барги қисмида 1,92 %, дуккак пўстлоғида 0,97 %, дони таркибида эса 3,42 % ни ташкил этган бўлса, “Ойжамол” навида эса ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 0,75 %, 0,47 %, 1,90 %, 0,98 %, 3,42 % ни ташкил этди.

Ўсимликнинг вегетатив ва генератив қисмларида энг кўп миқдордаги азот миқдори минерал ўғитларнинг $N_{150} P_{90} K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда кузатилиб, “Тўмарис Ман-60” навида унинг илдиши таркибидаги азот миқдори 1,03 %, поя қисмида 0,68 %, барги қисмида 2,09 %, дуккак пўстлоғида 1,38 %, дони таркибида эса 3,89 % ни ташкил этган бўлса, “Ойжамол” навида эса ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 1,00 %, 0,66 %, 2,08 %, 1,37 %, 3,87 % ни ташкил этди.

Шунга яқинроқ натижалар минерал ўғитларнинг $N_{120} P_{90} K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда кузатилиб, “Тўмарис Ман-60” навида унинг илдиши таркибидаги азот миқдори 1,01 %, поя қисмида 0,66 %, барги қисмида 2,08 %, дуккак пўстлоғида 1,35 %, дони таркибида эса 3,82 % ни ташкил этган бўлса, “Ойжамол” навида ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 0,98 %, 0,64 %, 2,07 %, 1,31 %, 3,82 % ни ташкил этганлиги аниқланди.

Такрорий экин сифатида етиштирилган соя навларини парваришlashда минерал ўғитларнинг $P_{90} K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда “Тўмарис Ман-60” навида унинг илдиши таркибидаги азот миқдори 0,80 %, поя қисмида 0,52 %, барги қисмида 1,96 %, дуккак пўстлоғида 1,08 %, дони таркибида эса 3,52 % ни ташкил этган бўлса, “Ойжамол” навида ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 0,079 %, 0,51 %, 1,94 %, 1,06 %, 3,50 % ни ташкил этганлиги аниқланди.

Ўсимликнинг вегетатив ва генератив қисмларида энг кўп миқдордаги фосфор миқдори ҳам минерал ўғитларнинг $N_{150} P_{90} K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда кузатилиб, “Тўмарис Ман-60” навида унинг илдиши таркибидаги фосфор миқдори 2,01 %, поя қисмида 2,35 %, барги қисмида 1,54 %, дуккак пўстлоғида 1,34 %, дони таркибида эса 1,96 % ни ташкил этган бўлса, “Ойжамол” навида эса ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 1,99 %, 2,32 %, 1,52 %, 1,34 %, 1,94 % ни ташкил этди.

Такрорий экин сифатида етиштирилган соя навларининг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги калий миқдорлари бўйича ҳам энг кўп миқдорлар минерал ўғитларнинг $N_{150} P_{90} K_{60}$ кг/га меъёрлари қўлланилган вариантларда кузатилиб, “Тўмарис Ман-60” навида унинг илдиши таркибидаги калий миқдори 2,385 %, поя қисмида 2,396 %, барги қисмида 2,386 %, дуккак пўстлоғида 2,573 %, дони таркибида эса 2,885 % ни ташкил этган бўлса, “Ойжамол” навида эса ушбу кўрсаткичлар тегишли равишда 2,382 %, 2,392 %, 2,383 %, 2,569 %, 2,881 % ни ташкил этди.

Такрорий экин сифатида экилган соя навларининг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги
озиқа элементлари миқдорларига минерал ўғитлар қўллашнинг таъсири, %

№ вар	Соя навлари	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га (NPK)	Илдиз	Поя	Барг	Дон	Дуккак пўстлоғи
	Азот						
1	Тўмарис Ман-60	Ўғитсиз	0,77	0,49	1,92	3,42	0,97
2		$P_{90} K_{60}$	0,80	0,52	1,96	3,52	1,08
3		$N_{30} P_{90} K_{60}$	0,87	0,57	2,00	3,60	1,15
4		$N_{60} P_{90} K_{60}$	0,92	0,60	2,03	3,67	1,22
5		$N_{90} P_{90} K_{60}$	0,96	0,62	2,06	3,74	1,28
6		$N_{120} P_{90} K_{60}$	1,01	0,66	2,08	3,82	1,35
7		$N_{150} P_{90} K_{60}$	1,03	0,68	2,09	3,89	1,38
8	Ойжамол	Ўғитсиз	0,75	0,47	1,90	3,42	0,98
9		$P_{90} K_{60}$	0,79	0,51	1,94	3,50	1,06
10		$N_{30} P_{90} K_{60}$	0,85	0,55	1,99	3,58	1,12
11		$N_{60} P_{90} K_{60}$	0,90	0,58	2,01	3,66	1,20
12		$N_{90} P_{90} K_{60}$	0,93	0,61	2,04	3,71	1,28
13		$N_{120} P_{90} K_{60}$	0,98	0,64	2,07	3,82	1,31
14		$N_{150} P_{90} K_{60}$	1,00	0,66	2,08	3,87	1,37
	Фосфор						
1	Тўмарис Ман-60	Ўғитсиз	1,53	1,91	1,18	1,59	1,05
2		$P_{90} K_{60}$	1,64	1,98	1,24	1,65	1,11
3		$N_{30} P_{90} K_{60}$	1,71	2,07	1,31	1,71	1,16
4		$N_{60} P_{90} K_{60}$	1,82	2,15	1,38	1,78	1,21
5		$N_{90} P_{90} K_{60}$	1,88	2,22	1,43	1,84	1,26
6		$N_{120} P_{90} K_{60}$	1,95	2,28	1,49	1,91	1,30
7		$N_{150} P_{90} K_{60}$	2,01	2,35	1,54	1,96	1,34
8	Ойжамол	Ўғитсиз	1,52	1,89	1,16	1,57	1,03
9		$P_{90} K_{60}$	1,62	1,97	1,23	1,64	1,09
10		$N_{30} P_{90} K_{60}$	1,69	2,05	1,28	1,69	1,15
11		$N_{60} P_{90} K_{60}$	1,80	2,14	1,36	1,75	1,18
12		$N_{90} P_{90} K_{60}$	1,86	2,20	1,41	1,82	1,23
13		$N_{120} P_{90} K_{60}$	1,94	2,27	1,46	1,88	1,29
14		$N_{150} P_{90} K_{60}$	1,99	2,32	1,52	1,94	1,33
	Калий						
1	Тўмарис Ман-60	Ўғитсиз	2,193	2,229	2,236	2,571	2,366
2		$P_{90} K_{60}$	2,226	2,250	2,264	2,592	2,404
3		$N_{30} P_{90} K_{60}$	2,258	2,272	2,291	2,673	2,454
4		$N_{60} P_{90} K_{60}$	2,284	2,297	2,314	2,740	2,497
5		$N_{90} P_{90} K_{60}$	2,320	2,348	2,341	2,806	2,536
6		$N_{120} P_{90} K_{60}$	2,351	2,376	2,364	2,854	2,560
7		$N_{150} P_{90} K_{60}$	2,385	2,396	2,386	2,885	2,573
8	Ойжамол	Ўғитсиз	2,188	2,226	2,233	2,564	2,360
9		$P_{90} K_{60}$	2,224	2,245	2,260	2,588	2,399
10		$N_{30} P_{90} K_{60}$	2,254	2,267	2,288	2,669	2,451
11		$N_{60} P_{90} K_{60}$	2,280	2,294	2,311	2,732	2,492
12		$N_{90} P_{90} K_{60}$	2,317	2,346	2,338	2,801	2,530
13		$N_{120} P_{90} K_{60}$	2,346	2,373	2,359	2,847	2,553
14		$N_{150} P_{90} K_{60}$	2,382	2,392	2,383	2,881	2,569

Хулоса. Соянинг “Тўмарис Ман-60” ва “Ойжамол” навларини такрорий экин сифатида парваришlashда қўлланиладиган минерал ўғитлар меъёрлари ўсимликнинг вегетатив ва генератив органлари таркибидаги озик моддалар миқдорларига таъсир кўрсатиши кузатилиб,

минерал ўғитларнинг P_{90} K_{60} кг/га меъёри қўлланилган фонда азотли ўғитлар меъёрларининг гектарига 30 килограммдан 150 килограммгача ошириб борилиши ўсимлик қисмларидаги NPK миқдорларини ҳам ортиб боришини таъминлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Атабаева Х.Н., Исроилов И.А. Такрорий экин сифатида экилган соя ўсимлигининг ҳосилдорлигини ўрганиш. // ТошДАУ илмий асарлар тўплами. – Тошкент, 1997. – Б. 4-6.
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари – ЎзПТИ, Тошкент. 2007. 180 б.
3. Иминов А.А. «Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида асосий ҳамда такрорий экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехнологияларини такомиллаштириш» мавзусидаги қишлоқ хўжалиги фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Ташкент. 2020. 200 б.
4. Мавлонов Б., Хамзаев А., Бобоқулов З. – Дуккакли дон экинларининг тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамияти. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журна. 2018. № 8. Б. 36.
5. Методы агрохимических анализов почв и растений. – Ташкент, Мехнат. 1977. 228 с.
6. Холдарова Д.Э. «Такрорий экинларда минерал ўғитлар меъёрлари ва нитрагин қўллашнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири (Андижон вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида)». Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Ташкент. 2021. 120 б.

УЎТ: 631.521. 633.11.

МОЙЛИ ЗИҒИР ЭКИНИГА ЗАРАР КЕЛТИРУВЧИ АСОСИЙ КАСАЛЛИКЛАР

Шерали Орипов, қ.х.ф.ф.д, к.и.х.,
Лалмикор Дехқончилик илмий тадқиқот институти,
Мойли экинлар генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси мудири
Ситора Каримова, таянч докторант,
Тошкент Давлат аграр университети.

Аннотация: Мақолада зиғир экинига зарар келтирадиган касалликлар турлари ва тарқалиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: зиғир, касаллик, чидамлилиқ, замбуруғ, касалланиш даражаси

Аннотация: В статье с использованием литературными приведены данные, особенностей распространения развития, видов болезни масличного льна.

Ключевые слова: лен, болезнь, устойчивость, грибок, степен поражаемость

Annotation: The article presents an analysis of the research results disease oil flax.

Key words: flax, disease, fungus, resistance, disease rate

Мустақиллик йилларига қадар мойли экинлар фақатгина кичик майдонларда етиштирилиб, қисман чорвачилик учун ҳамда ем-хашак етиштиришда экилиб келинган бўлса, ҳозирда мойли экинларни экиш мамлакат озиқ-овқат дастурига киритилиб, уларга бўлган эътибор ортиди.

ФАО маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг ҳар йили 24-47 % касаллик ва зараркунандалар томонидан йўқотилади. Бу ўз ўрнида пестицидларни қўллашни кўпайтиради натижада олинган ҳосил таннархининг ошишига ва экологияга салбий таъсир этади.

Зиғир юқори хўжалик ва биологик сифатларга эга яъни қўрғоқчиликка чидамли, ўсув даври қисқа, экспортбоп, юқори рентабелли ва ҳосилдор ўсимликдир. Зиғир тола, мой ва озуқавий моддалар ишлаб чиқариш учун муҳим экин ҳисобланади [5].

Зиғир ўсимлигида касалликларни асосан замбуруғлар, бир нечта тур вируслар ва фитоплазмалар келтириб чиқаради. Бактерия ва нематодалар эса зиғирда ҳеч қандай жиддий касаллик келтириб чиқармайди [6].

Зиғир ўсимлигидан мой ва тола олиниши ҳамда кундалик

ҳаётимизда энг фойдали ўсимлик тури бўлишига қармасдан унга кўпгина касаллик ва зараркунандалар зиён келтиради.

Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири мойли экинларни етиштириш билан биргаликда улардан юқори ҳосил олиш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда зараркунанда ва касалликлар келтирадиган зарарни камайтиришдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам мойли экинлар ҳосилдорлигини оширишда уларни ҳимоя қилиш чора тадбирларига алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Зиғир ҳам фойдали ўсимлик тури бўлишига қармасдан кўпгина касаллик ва зараркунандалардан зарар кўради.

Лалмикор Дехқончилик илмий тадқиқот институтининг Мойли экинлар генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги лабораторияси томонидан олиб борилган кўп йиллик тажрибалардан маълумки баҳорда ёғингарчилик миқдори кўп бўлган йилларда, сернам об-ҳаво шароитида мойли зиғирда асосан антракноз, зиғир занги, полиспороз ва фузариоз касалликлари кўп учраб ҳатто баъзи йиллари бу касалликлар кенг тарқалиб кучли ривожланишига ва ҳосилдорлиқнинг кескин